



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА

Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2017-й.г. «14» апрел

№ 850-К

Самарқанд т.-р.Самарқанд

Самарқанд туман “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Халикова Парвинага мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун рухсат бериш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа кўчма объектлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш шартлиги бўлмаган объектларни тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят ҳокимияти муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 16 мартдаги 542-сонли хулосаси ва фуқаро Халикова Парвинаниннг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Халикова Парвинага “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 47к ва 670к контурларидаги мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун жами 30 кв метр (шундан: 14 кв метр замонавий автобекат қуриш учун, 14 кв метр яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун) қуришга розилик берилсин.
3. Фуқаро Халикова Парвинага мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси тўғрисидадан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2018 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га таъминлансин.
5. Фуқаро Халикова Парвина томонидан ”Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари қўрилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров